



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 14 » январь

№ ПҚ-86

### Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида қуввати 220 МВт бўлган фотоэлектр станцияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайта тикланадиган энергия манбаларини жадал ривожлантиришни таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқариш манбаларини диверсификациялаш, шунингдек, электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

#### 1. Қўйидагилар:

а) Халқаро молия корпорациясининг молиявий ва техник кўмагида “Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида умумий қуввати 220 МВт бўлган фотоэлектр станциясини қуриш” инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда – Инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш учун инвестор танлаб олиш жараёни якунланганлиги;

б) Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ўтказилган халқаро тендер савдолари натижаларига кўра, “Abu Dhabi Future Energy Company PJSC – Masdar” (БАА) компанияси (кейинги ўринларда – Инвестор) ғолиб деб топилганлиги;

в) Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Инвестор томонидан Ўзбекистон Республикасида масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Nur Jizzakh Solar PV” хорижий корхонаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа компанияси) ташкил этилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2021 йил 12 июлда инвестиция шартномаси (кейинги ўринларда – Инвестиция шартномаси) имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ Инвестор ва Лойиҳа компанияси:

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бутун даври мобайнида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида қуввати 220 МВт бўлган фотоэлектр станциясини лойиҳалаштириши, молиялаштириши, қуриши ва эксплуатация қилиши;

юзага келиши мүмкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда, дастлабки баҳолаш бўйича жами 150 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиши;

д) “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2021 йил 12 июлда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда – Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ;

Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга кафолатланган тарзда сотиш мажбуриятини олиши;

Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида 20 млн АҚШ доллари миқдорида биринчи даражали хорижий банк кафолатини тақдим этиши;

Инвестиция лойиҳаси доирасида фотоэлектр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун қуриладиган ҳаво электр узатиш тармоқлари ва оширувчи подстанция Лойиҳа компанияси томонидан қурилиши ҳамда ишга туширилгандан сўнг Лойиҳа компанияси уларни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши;

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ 25 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олиши ва электр энергияси учун тўловни миллий валютада амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ҳамда Лойиҳа компанияси ўртасида имзоланган Инвестиция шартномаси тасдиқлансин.**

**3. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида тузилган Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансин.**

**4. Инвестиция шартномаси ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим доирасида ишлаб чиқарилган 1 киловатт-соат электр энергияси учун хорижий валютада деноминацияланган 1,823 АҚШ центи миқдорида тариф ўрнатилганлиги белгилаб қўйилсин ҳамда тўлов нархларининг АҚШ долларига боғланишига рухсат берилсин.**

**5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга Инвестор, Лойиҳа компанияси ва Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этаётган кредиторлар билан Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар Лойиҳа компанияси томонидан бажарилмаган тақдирда, Лойиҳа компанияси ва Инвестор ҳуқуқларини кредиторларга бериш юзасидан тўғридан-тўғри битимлар тузиш ҳуқуқи берилсин.**

**6. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга:**

Лойиҳа компанияси билан биргаликда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун халқаро мустақил инжиниринг компаниясини ва бошқа маслаҳатчиларни мажбурий экспертиза ўтказмаган ҳолда танлаб олишга ва шартномалар тузишга;

Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл банкининг хорижий валютада тасдиқланган ва тикланадиган аккредитивини очишга рухсат берилсин.

**7. Молия вазирига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг аккредитив очадиган хорижий банк олдидағи тўлов мажбуриятлари Жаҳон банки кафолати орқали бажарилган тақдирда, Жаҳон банки билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига мақбул шаклдаги Жаҳон банки харажатларини қоплаш тўғрисидаги битимни имзолаш ваколати берилсин.**

**8. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Лойиҳа компаниясига, лозим бўлган барча солиқлар ва йиғимлар тўланган ҳолда, хорижий кредиторлар лойиҳаларни молиялаштиришда анъанавий қўллайдиган таваккалчиликни бошқариш талабларига мувофиқ, қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:**

кредит олиш, хорижий валютадаги маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан хорижий валютада кредит тушумлари) учун чет эллардаги хорижий банкларда банк ҳисобвараклари очиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган хорижий пудратчилар, етказиб берувчилар ёки хорижий кредиторларга тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобвараклари орқали ўтказмасдан, тўғридан-тўғри амалга ошириш.

**9.** Инвестиция лойиҳаси доирасида фотоэлектр панелларини ўрнатиш билан боғлиқ қурилиш ва ер ишларини бажариш ҳамда бино ва иншоотлар пойдеворларини лойиҳалаш нормалари ва қоидалари Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим қоидаларига мувофиқ халқаро стандартлар билан тартибга солиниши белгилаб қўйилсин.

**10.** Жиззах вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Инвестиция шартномаси ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда кўрсатилган шартларга мос келадиган ер участкасини ҳамда фотоэлектр станцияси фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи ҳаво электр узатиш тармоқлари учун зарур бўлган ер майдонларининг, таянч қурилмалар эгаллайдиган ер координаталаридан келиб чиқиб, Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини таъминласин.

Энергетика вазирлиги мазкур бандга асосан:

фотоэлектр станцияси қурилиши учун ажратилган ер участкасининг Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддатига тенг даврга Лойиҳа компаниясига;

ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш учун ажратилган ер участкасининг “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ижарага берилишини таъминласин.

Ерни ижарага олиш ҳуқуқи учун бозор қийматида ҳақ тўлаш ерга нисбатан амал қилувчи ва Лойиҳа компанияси томонидан тўланадиган ижара тўловлари кўринишида ифодаланиши белгилансин.

Бунда, Лойиҳа компанияси Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланганлик учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплашдан (компенсация тўловларидан) озод қилинсин.

**11.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши, шунингдек, томонларнинг Инвестиция шартномаси ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим доирасидаги ўз мажбуриятларини бажариши устидан доимий назорат ўрнатсин.

**12.** Адлия вазирлиги Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция шартномаси ҳамда унинг қоидаларига мувофиқ имзоланган битимлар юзасидан юридик хулосалар берсин.

**13.** Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экология экспертизасидан ўтказилишини ҳамда Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этилишини таъминласин.

**14.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири А.С. Султанов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда мұхокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Баш вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуннда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «14» января

№ ПП–86

### **О мерах по организации строительства фотоэлектрической станции в Галляральском районе Джизакской области мощностью 220 МВт**

В целях обеспечения ускоренного развития возобновляемых источников энергии, диверсификации источников производства электрической энергии, а также широкого привлечения прямых иностранных инвестиций в электроэнергетическую отрасль:

**1. Принять к сведению, что:**

а) для реализации инвестиционного проекта «Строительство фотоэлектрической станции в Галляральском районе Джизакской области общей мощностью 220 МВт» (далее — Инвестиционный проект) при финансовом и техническом содействии Международной финансовой корпорации завершен процесс отбора инвестора;

б) по результатам международных тендерных торгов, проведенных в рамках реализации Инвестиционного проекта, компания «Abu Dhabi Future Energy Company PJSC — Masdar» (ОАЭ) (далее — Инвестор) признана победителем;

в) в целях реализации Инвестиционного проекта Инвестором в Республике Узбекистан создано иностранное предприятие «Nur Jizzakh Solar PV» в форме общества с ограниченной ответственностью (далее — Проектная компания);

г) между Правительством Республики Узбекистан в лице Министерства инвестиций и внешней торговли, Инвестором и Проектной компанией 12 июля 2021 года заключено инвестиционное соглашение (далее — Инвестиционное соглашение), в соответствии с которым Инвестор и Проектная компания осуществляют:

проектирование, финансирование, строительство и эксплуатацию фотоэлектрической станции в Галляаральском районе Джизакской области мощностью 220 МВт на протяжении всего периода реализации Инвестиционного проекта;

привлечение прямых иностранных инвестиций в размере по предварительной оценке 150 млн долларов США с принятием на себя возможных рисков;

д) между АО «Национальные электрические сети Узбекистана» и Проектной компанией 12 июля 2021 года заключено Соглашение о закупке электрической энергии (далее — Соглашение о закупке электрической энергии), в соответствии с которым:

Проектная компания приняла обязательство гарантированной продажи произведенной электрической энергии АО «Национальные электрические сети Узбекистана»;

Проектная компания предоставила гарантию первоклассного иностранного банка в качестве обеспечения надлежащего исполнения своих обязательств в период строительства в размере 20 млн долларов США;

в рамках Инвестиционного проекта Проектная компания приняла обязательство строительства и передачи АО «Национальные электрические сети Узбекистана» воздушных линий электропередач для подключения фотоэлектрической станции к единой электроэнергетической сети, и повышающей подстанции после их ввода в эксплуатацию;

АО «Национальные электрические сети Узбекистана» приняло обязательство гарантированной закупки электрической энергии и осуществления оплаты за электрическую энергию в национальной валюте в течение 25 лет.

**2. Утвердить Инвестиционное соглашение, заключенное между Правительством Республики Узбекистан в лице Министерства инвестиций и внешней торговли, Инвестором и Проектной компанией.**

**3. Одобрить Соглашение о закупке электрической энергии, заключенное между АО «Национальные электрические сети Узбекистана» и Проектной компанией.**

**4. Определить, что установлен тариф в размере 1,823 цента США за 1 киловатт-час электрической энергии, выработанной в рамках Инвестиционного соглашения и Соглашения о закупке электрической энергии, деноминированный в иностранной валюте, а также разрешена привязка ставок платежей к доллару США.**

5. Предоставить Министерству инвестиций и внешней торговли, Министерству энергетики и АО «Национальные электрические сети Узбекистана» право на заключение с Инвестором, Проектной компанией и кредиторами, принимающими участие в финансировании Инвестиционного проекта, прямых соглашений по уступке кредиторам прав Проектной компании и Инвестора в случае неисполнения Проектной компанией обязательств по соглашениям, подписанным в рамках реализации Инвестиционного проекта.

6. Разрешить АО «Национальные электрические сети Узбекистана»:

проведение совместно с Проектной компанией отбора и заключение договоров с международными независимыми инжиниринговыми компаниями и иными консультантами в целях реализации Инвестиционного проекта, без проведения обязательной экспертизы, в соответствии с процедурами, определенными в Соглашении о закупке электрической энергии;

открытие подтвержденного в иностранной валюте возобновляемого аккредитива иностранного банка в пользу Проектной компании в качестве обеспечения исполнения обязательств для покрытия закупки производимой Проектной компанией электрической энергии на протяжении трех месяцев.

7. Уполномочить министра финансов подписать от имени Правительства Республики Узбекистан соглашение со Всемирным банком о возмещении расходов Всемирного банка в форме, приемлемой для Правительства Республики Узбекистан, в случае исполнения АО «Национальные электрические сети Узбекистана» платежных обязательств перед иностранным банком, открывающим аккредитив, под гарантию Всемирного банка.

8. Предоставить Проектной компании в рамках реализации Инвестиционного проекта после оплаты всех налогов и сборов, подлежащих уплате, в соответствии с традиционно применяемыми иностранными кредиторами требованиями управления рисками при финансировании проектов, следующие права:

открывать расчетные счета в иностранных банках за рубежом для получения кредитов, получения и использования денежных средств в иностранной валюте (включая кредитные поступления в иностранной валюте);

напрямую осуществлять платежи иностранным подрядчикам, поставщикам или иностранным кредиторам за пределами Республики Узбекистан без проведения таких платежей через банковские счета в Республике Узбекистан.

**9.** Установить, что нормы и правила выполнения строительных и земляных работ, связанных с установкой фотоэлектрических панелей, а также проектирования фундаментов зданий и сооружений в рамках Инвестиционного проекта регулируются международными стандартами в соответствии с нормами Соглашения о закупке электрической энергии.

**10.** Хокимияту Джизакской области в месячный срок обеспечить выделение Министерству энергетики на праве постоянного пользования земельного участка, а также земельной площади, необходимой для воздушных линий электропередач, обеспечивающей работу фотоэлектрической станции, исходя из координат земли, занятой опорными сооружениями, соответствующих условиям, указанным в Инвестиционном соглашении и Соглашении о закупке электрической энергии.

Министерству энергетики в соответствии с настоящим пунктом обеспечить передачу в аренду:

Проектной компании – земельного участка, выделенного для строительства фотоэлектрической станции, на период, равный сроку реализации Инвестиционного проекта;

АО «Национальные электрические сети Узбекистана» – земельного участка, выделенного для строительства воздушных линий электропередач, для государственных и общественных нужд.

Определить, что плата за право аренды земли по рыночной стоимости выражается в форме арендной платы, действующей в отношении земли и уплачиваемой Проектной компанией.

При этом освободить Проектную компанию от возмещения потерь сельскохозяйственного производства (компенсационных выплат) при использовании земель сельскохозяйственного назначения в рамках реализации Инвестиционного проекта.

**11.** Министерству инвестиций и внешней торговли установить постоянный контроль за реализацией Инвестиционного проекта и исполнением сторонами своих обязательств в рамках Инвестиционного соглашения и Соглашения о закупке электрической энергии.

**12.** Министерству юстиции выдать юридические заключения по соглашениям, подписанным в соответствии с Инвестиционным соглашением и его положениями, в рамках реализации Инвестиционного проекта.

**13.** Государственному комитету по экологии и охране окружающей среды в установленном порядке обеспечить проведение государственной экологической экспертизы проектной документации и соблюдение природоохранного законодательства при реализации Инвестиционного проекта.

**14.** Возложить на министра энергетики Султанова А.С. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Ежеквартальное обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на заместителя Премьер-министра Умурзакова С.У.

О результативности осуществляемых мер информировать Президента Республики Узбекистан по итогам каждого квартала.

Президент  
Республики Узбекистан



Ш. Мирзиёев

город Ташкент